

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Микрокредитбанк АТБ

Бошқарув раиси

Фринбосари в.б

И. Джуманиязов

«10» сентябрь 2025 й.



## **ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

**“Микрокредитбанк” АТБ балансидаги бино-иншоотларнинг МХХС талаблари бўйича бозор баҳосини аниқлаш юзасидан**

*Келишилди:*

Бухгалтерия ҳисоби  
департаменти директори в.в.б.

**О. Авезов**

/ Ишларни бошқариш  
департаменти директори в.в.б.

**Ш. Сиддиқов**

## 1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

### 1.1. ЛОЙИХАНИНГ ТЎЛИҚ НОМЛАНИШИ:

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки балансидаги бино-иншоотларнинг МХХС талаблари бўйича бозор баҳосини баҳолаш.

### 1.2. БУЮРТМАЧИ:

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки (кейинчалик «Буюртмачи»).

Манзил: 100096, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 4-уй

Телефон: (+99871) 207-46-52 (1070)

### 1.3. ИЖРОЧИ:

Ушбу лойиҳанинг ижроси белгиланган тартибда танлов орқали аниқланади.

### 1.4. ЛОЙИХАНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БЎЙИЧА АСОС:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори, 26.11.2021 йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3336 Қарори.

### 1.5. ЛОЙИХАНИНГ БОШЛАНИШ ВА ЯКУНЛАШ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН МУДДАТ:

Лойиҳанинг режалаштирилган муддати: 2025 йил (шартнома тузилган санадан бошлаб 15 календарь кун)

### 1.6. МОЛИЯЛАШ МАНБАСИ:

Лойиҳа манбаси буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

## 2. ОБЪЕКТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

### 2.1. БАНКНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ:

Тўлиқ номланиши: “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки

“Микрокредитбанк” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” АТБни ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3750-сонли Фармони асосида ташкил этилган.

## 3. ЛОЙИХАНИНГ МАҚСАДИ

### 3.1. ЛОЙИХАНИНГ АМАЛГА ОШИРИШДАН МАҚСАД:

Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талабларига мувофиқ, банкнинг 2024 йил якунлари юзасидан тузиладиган молиявий ҳисоботларда қўллаш учун банкнинг банк хизматлари офиси ва марказларига тегишли жами 86 дона бино-иншоотларни МҲХС талаблари бўйича бозор баҳосини (адолатли қийматини) аниқлаш.

#### **4. ЛОЙИХА ИШЛАРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ**

**4.1.** Банкнинг қайта баҳоланган банк хизматлар офиси ва марказларига тегишли жами 86 дона бино-иншоотлар баҳоловчи ташкилот томонидан бозор баҳоси маълумотлари тикилиб (переплёт), муҳрланган ҳолда топширилади. (1-илова)

#### **4.2. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТИ:**

Банк томонидан 2024 йил 27 декабрь ҳолатига баҳоланаётган бино-иншоотлар бўйича маълумотларни ижрочига электрон (excel) шаклда тақдим этиш.

#### **4.3. ИЖРОЧИНИНГ МАЖБУРИЯТИ:**

Ижрочининг лойиха ишига қўпол равишда бепарволиги ёки қасддан қилинган хатти-ҳаракати натижасида зарар кўриши ёки зарар кўришга олиб келиши мумкин бўлган хизматлар доирасида етказилган зарар учун ижрочи жавобгар бўлади.

#### **4.4. БАЖАРИЛГАН ИШНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ:**

Банк томонидан 2024 йил 27 декабрь ҳолатига Банкка тегишли бино-иншоотларнинг адолатли қийматини аниқлаш учун шартнома тузилган санадан бошлаб 15 календарь кун давомида тўлиқ баҳолаб, банкка электрон (excel) ҳамда тикилган (переплёт) ва муҳрланган ҳолда тақдим этиш.

#### **5. ТЎЛОВ ШАРТИ**

#### **5.1. ШАРТНОМАДА ОЛДИНДАН ТЎЛОВ**

Олдиндан тўлов шартнома суммасининг 30 (ўттиз) фоизи миқдорида тўланади. Қолган қисми бажарилган ишлар далолатномасига асосан амалга оширилади.